

## Пазандалик - арзандалик

Инсон зоти ҳунари билан эътибор қозонади. Ҳунар, ҳунардан киши унар дейилиши ҳам бежиз эмас. Бугун пазанда қиз эртага арзанда келин бўлади. Бунинг учун турли ҳунарлар соҳибаси бўлиш эътиборга молик. 3-Талабалар турар жойида 26.03.2021-йил Тарбиячи-Педагог Азиза Хаитова Мамарасуловнанинг ташаббуси билан қўли гул қизларимиз тайёрлаган миллий ва баҳорий таомлар танлови ўтказилди.



Шу билан биргаликда миллий каштачиликгимиз акс этган қўл меҳнати кўргазмалар намоиши ҳам бўлиб ўтди. Бу тадбирда факултет декани, декан ўринбосари шунингдек, талабалар турар жойлари кенгаши раиси, факултет хотин-қизлар кенгаши аъзолари ҳам иштирок этишди.

**Талабалар турар жойлари кенгаши раиси Саидахмедов Жаҳонгир ахбороти**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**